

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ 10 СЎМ



ЖАМҒАРМА ФАОЛИЯТИДАН

Фарғона вилояти бўйича 1500 нафар бола ногиронлик нафақасини олади-лар. Болалар жамғармасининг вилоят бўлими ушбу гўдакларнинг ўзларига тегишли имтиёзлар билан таъминла-нишида яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Албатта, бундай ёрдам вилоятдаги иқтисоди бақувват корхоналарнинг бе-восита кўмаклашуви билан амалга ошириляётир.

Яқинда вилоят нефтни қайта ишлаш бирлашмаси ногирон болаларга мах-сус аравачалар олиш учун жамғарма ҳисобига 500 минг сўм ўтказди.

Вилоят «Азот» ишлаб чиқариш бир-лашмаси 50 минг сўм ҳадя қилди. Фарғона «Ўзспортторг» базаси вилоят-даги болалар уйлари ва боғчаларига болаларбоп кийим-кечак ҳамда ҳар хил спорт анжомларини улашди.

Утган йили болалар уйларида тар-бияланган 6 нафар ўсмир уй-жой би-лан таъминланди.

Ўзбекистон Болалар жамғармаси Фарғона вилоят бўлими раиси Азиз Қодиров саховатпеша ҳамюртларидан миннатдор. — Элнинг раиятпарвар уламолари бор экан, улар доимо муҳ-тожлар ҳолидан хабар оладилар. Бун-дай элда етимларни ўқитмайдилар, — дейди у киши.

Куни кеча Ўзбекистон Болалар жамғар-масининг Тошкент вилоят бўлими ташаб-буси билан Юқори Чирчиқ туманининг Дўстлик жамоа ҳўжалигида Наврўзолди хайрия марафони бўлиб ўтди.

Тадбирда «Баҳор» халқ рақс дастаси, «Томоша» театр-студияси, таниқли ҳофиз-лар қатнашдилар. Хайрия марафонидан тушган маблағ вилоятда яшайтган ноги-рон ва етим болаларнинг, муҳтож хонадон-ларнинг эҳтиёжи учун сарфланади.

УШБУ

СОНДА:

МИРЗАҲАКИМ

НЕЪМАТ:

ОИЛАНГИЗ

ТОТУВМИ?

«БАЛОҒАТ БЕКАТИ»

ҚАМОҚҚА ТУШГАН
МИЛЛИОНЕРЛАР



ҚУШАЛОҚ БАХТ

Суратчи: А. Тўраев

ПОЛВОНЛАР ҲАЁТИДАН

Бухоронинг Қоракўлида Рўзимурод полвон ўтган. Айтишларича, бир сайилда ҳаммани егиб, Амир Сайид Олимхон билан ҳам кураш тушган экан. Олишувда қаттиқ ушлашга истиҳола қилиб, йиқилишга ори келиб кураш аёвганида амирнинг жаҳли чиқиб: «нега астойдил ушламаясан?» — деб аччиқ қилса, «амирим, мени кечиринг, сиз билан олишишим ўзи жониз эмас, чиққанимнинг ўзи хатоим, энди йиқилишга ор қиялман», — деган экан. Шунда амирнинг тантилиги тутиб, камбағал бўлса ҳам полвонни ўзига дўст тутган экан. Сайилларда чақириб, охирида курашга соларкан.

Бир катта олишувда қаршилик ёш йигит ҳаммани қаторасига йиқитаверибди. Бунни кўрган Сайид Олимхон: — Рўзимурод, сен чиқ шу йигитга, енганга чопоним ҳада, — дебди.

Узоқ олишишгандан кейин Рўзимурод ҳалол йиқитибди. Қаршилик полвоннинг ҳам

кучга тўлган пайти эмасми, одамнинг «ҳеч кимдан йиқилмайман!» деган пайти бўлади, юртига қайтиб онасига юрагини ёрибди:

— Келбатимиз мўлжалимча тенг эди, лекин мен ундан ёшман, нега йиқилдим, она!

Полвоннинг онаси-да, ўйлаб туриб айтибди:

— Юр, менга онасини кўрсат!

Улар бирга Бухорога, сўнг Қоракўлга келишибди. Сўраб-сўраб Рўзимурод полвоннинг уйини топишиб, яқин боришса, онаси тандирга нонни ўтириб олиб ёпаётган эмиш.

— Қайтдик ўғлим, онасини кўрдингми? Сени рост йиқитган, — дебди она.

Шунинг учун халқда полвоннинг отасига эмас, туққан онасига раҳмат дейишадди.

* * *

Дўстим Темиржоннинг исми жисмига монанд — баданлари темирдек. У билан кураш тушган одам бе-

тон симёғочни кучоқлагандек бўлади.

— Бир кун айвонда бекорчиликдан қуритилган ошқовоқ уругини чақиб ўтирсам, чамаси олти-етти ёшли қўшни болалар кириб қолишди, — деб эслайди Темиржон, — Еяётган нарсамга қараб, қизикиб сўрашди:

— Бу нима?

— Полвон уруг. Шуни еб полвон бўлганман, — дедим мен ҳазиллашиб.

Болалар жимгина чиқиб кетишди. Эртасига қўшни аёл кириб:

— Темиржон, ўғилларимга нима дедиз, кечадан бери уругликка олиб қўйган ошқовоқ уруглариям қолмади, еб қўйишди!

Хатоимни тушуниб, болаларни чақириб тайинладим: — Уругдан уч-тўрттадан ортиқ еб бўлмайди, кўп есаларинг билмадан тешиб чиқадди.

Шундан кейин ҳар кун иккитадан ейдиган бўлишди...

Турсун Али МУҲАММАД

ЕТТИ КУН

«СИТА ВА ГАБРИЭЛ»

Миллий авиакомпаниямизнинг учиб йўллари чипталарини олдиндан буюртма қилувчи «Сита ва Габриэл» халқаро тизимга қўшилди. Бу қўшилишнинг маъноси шунки, айтилиқ, Париждан туриб, бемалол авиакомпаниямизнинг бирон-бир рейсига чипта буюртма қилиш мумкин. Ёки аксинча. Бу қўлайликдан нью-йорклик тўрт жаноб дарҳол фойдаланишди. Эртаниндин уларнинг Тошкентга келиши кўтилмақда.

МУАЛЛИМНИНГ ОРЗУСИ

Каттақўрғонлик эски ёзув муаллими Мирёқуб Қобилов велосипедда Самарқандга опти соатда етиб келди. Бу бир тайёргарлик. Мирёқуб аканинг орзуси бобоси Мирниёздек ҳажга бориш, аммо у ёққа тайёрада бориб-келишга муаллимда пул қайда! Шу учун у Маккам мукараммага ҳам велосипедда бормоқчи. Ҳозир рухсат олиш учун уёқ-буёққа чопиб юрибди.

АЙТГАНЧА

Таксида бир километрлик йўл ҳақи Бухоро, Гулистон, Урганча — 40 сўм, Фарғона, Андижон, Наманганда — 32 сўм, Самарқандда эса 30 сўм экан. Хуллас шахри азимда нафақат велосипедда, таксиди ҳам «сўв текин»га каттайса қилсангиз бўлади.

ОФИРИГА УЧМАНГ — ДОҒДА ҚОЛАСИЗ

Тошкент тайёрагоҳида хорижлик талабанинг сўмқасини олиб қочибди. Афтидан сўмқанинг вазминлиги жаноб ўғилларни қизиктирган кўринади. Хорижлик талаба сўмқасига жуда ачиди — ахир унга босиб китоб тиккан эди-да!

ЧАПАНИНИНГ ҲУКМИ

Боғот туманидаги Қизилравот қишлоғида бўлиб ўтган тўйда қўчқор уриштирувчиларнинг тоза омади чопди. Қўчқор кўп, соврин салмоқли. Навбатдаги беллашувда қўчқори енгилиб, даврадан қочишни кўзлаганини кўрган бир чапани жониворини ушлади-ю, шартта сўйиб ташлади. Ўз «ҳукми»ни у «қўчқор менинг обрўйимни тўқди» деб изоҳлади.

«ПАХТАКОР»ДА ЯНГИ «СУВЧИ»

«Пахтакор» жамоасига Баҳодир Иброҳимов бош мураббий этиб тайинланди. У киши жамоага бегона эмас — бир пайтлар Абдураимов, Красинскийлар қатори «Пахтакор»да тўп сурган. Уч-тўрт йил хорижда — Сурия ва Бирлашган Араб Амирликларида ҳам ишлаб келди. Хорижий тажриба «Пахтакор»да ҳам асқотадими, йўқми-омон бўлсак кўрармиз.

ҚўШРАБОТДА ФУТБОЛ УЙНАШАДИМИ!

Қўшработ туманидаги «Меҳнат» стадиони ниҳоят ўз эгаларини топди — энди бу ерда савдо аҳли тер тўкиб, «меҳнат» қилмоқда. Жума кунлари йўлингиз тушса, Қўшработга албатта бординг — стадион — бозорда семичкадан сигиргача сотиб олишингиз мумкин.

МУҲБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ



ҚУЛГИНАНГ ДАРД КЎРМАСИН, ОНАСИ!

Суратчи: А. ТЎРАЕВ

ОИЛАНГИЗ ТОТУВМИ?

Келинг, барча ташвишларни бир дам унутайлик-да, оила масъулиятларидан баъзилари ҳақида бироз мулоҳаза юритайлик.

Кўпинча бола ота-она ҳоҳиш-истакларига амал қилади. Чунки ота-она оилада бошлиқдирлар. Фарзанд уларга тобедир. Боланинг қомиллашуви, тарбияси, ахлоқи асосан оила муҳитига, ота-онанинг ўзаро муносабати ва маҳалла-қуйда тўтган ўрнига боғлиқ. Мен истардимки, ўзбек оиласида болалар тарбияси, эр-хотин муносабати қандай бўлиши лозим, деган маънода газетда саҳифаларида ҳар хил суҳбатлар, баҳслар, мутахассисларнинг фикрлари бериб борию.

Шу ўринда оиламизнинг одатдаги ҳаётидан бир шин-

гилини сизлар билан баҳам кўрмоқчиман.

Уйимизда эрталаб соат беш яримда ҳаёт бошланади ва етти яримгача эрталабки юмушларни бажариб, нонушта қиламиз. Кейин болалар мактабга, биз ишга жўнаймиз. Мактабда ўғлимиз ва қизимиз ўқишади. Уларга биринчи навбатда дарс тайёрлаш учун зарур шароитларни яратиб берганмиз. Машгулотлари тугагандан кейин улар уй юмушларидан ўзларига тегишлисини бажаришади; ўғлимиз бузук, товук, қўй боқади, қизимиз уй ишлари билан шуғулланади, онасининг ишдан келишга кечки овқатга масаллик тайёрлайди... Болаларнинг бу каби фао-

лияти аста-секин шакллантирилган. Улар уй юмушларини бажариб телевизор кўришлари мумкин. Кечки овқатдан кейин берилган вазифаларини тайёрлашади. Топшириқларининг қийин ёки тушунарли қисмини биздан сўрашади, биз эса ўз навбатда уларга бажонидил ёрдам берамиз. Ўғлимиз немиш тили билан шуғулланади, кўпроқ шеър ёдлайди, дарсликдаги матнларни ўқиб, ўзбек тилига ўтиради. Фарзандларимизнинг ёзма ва оғзаки нутқларини ривожлантириш мақсадида уларга ўзбек халқ эртаклари, рангли суратларга бой китоблар, сўзлашув луғатлари олиб берганмиз ва улардан фойдаланишларини кузатиб

борамиз. Албатта, болалик давр ўйинсиз ўтмайди. Уларнинг қўшни болалар билан ҳар-хил ўйинлар ўйнаши табиий. Лекин бу ҳам ўз меъёрида бўлади.

Уйкуга ётишдан аввал эрталаб мактабга кийиб кетадиган кийимларини кўздан кечириб, тартибга солиб, илгакка илиб қўйишади. Оёқ кийимларини тозалашади.

Фарзандларимизнинг мактабдаги фаолияти тўғрисида бирмунча тасаввурга эга бўлсак ҳам бу жараённинг баъзи қирраларини атрофича ўрганиш мақсадида ўқитувчилар ва синф раҳбарлари билан вақт топиб суҳбат-

лашишга ҳаракат қиламиз, уларнинг дарсларига қирамиз.

Юқоридаги гаплардан бир оила ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Эҳтимол, бошқа оилаларда ота-оналар ушбу масалаларга ўзгача ёндошарлар!

Оиланинг тотувлигини таъминлашда яна қандай йўл-йўриқлар мавжуд. Бола тарбиясининг биз билмаган яна қандай жиҳатлари бор?

Азизлар, Сиз ҳам оилангизнинг ибратли томонларини ёзиб юборсангиз. Уйлайманки, бу ҳаракатлар фойдадан холи бўлмас.

Мирзаҳаким НЕЪМАТ

АЗИЗ ОБУНАЧИЛАР!

Мана, сиз билан 1993 йил ҳисобидан учрашиб турганимизга ҳам икки ярим ой бўлиб қолди. Ниятимиз — йил бўйи ҳар пайшанба «Оила ва жамият» хонадонингизга кириб борсин. Шунга ишонгимиз келади, Илоҳим шундай бўлсин. Бироқ бозорнинг авзои бошқача: бурилиб қарсангиз ҳозир кўрганингиз баҳо ўрнида бошқа баҳони кўрасиз. Урсия бозоридаги ҳар бир ўзгариш, табиийки, мамлакатимизда ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Газетнинг асосий хом ашёси — қоғозни юз фоиз Урсиядан оладиган биз матбуотчиларнинг аҳволимизни тасаввур этаверинг, энди. Йил бошида тўннаси арзимаган пул атрофида бўлган газет қоғозининг баҳоси бугун фалон сўмга борди. Бу дегани бир нусха (дона) «Оила ва жамият»га сарфланадиган қоғознинг ўзинигина 4 сўм 50 тийиндан сотиб олишга тўғри келмоқда.

Кўриб турибсиз, харажатларимиз мисли кўрилмаган даражада ошди. Йиллик обуна пулини ҳам сарфлаб бўлди ҳисоб. Бироқ бор имкониятимиздан фойдаланиб Сиз обуначиларга шун ойигача газет этказиб берамиз. Йилнинг иккинчи ярмига, барча газет-журноллар сингари, биз ҳам қайта обуна ўтказамиз. Обуна баҳоси эса қуйидагича белгиланди:

6 ОЙГА — 221 СЎМ
3 ОЙГА — 110 СЎМ 50 ТИЙИН
1 ОЙГА — 34 СЎМ

Эслатиб ўтамиз: обуна баҳосига фақат қоғоз, босмахона ва таҳририят харажатларинигина киритдик. Бунга жойлардаги алоқачилар ўз харажатларини қўйишади. Шу боисдан газетда эълон қилинган обуна баҳоси билан почта бўлимида сизга айтишган обуна баҳоси ўртасидаги фарқни кўриб ажабланманг.

ОДАМНИНГ ЖАҲЛИ ЧИҚҚАНДА УҚИЛАДИГАН ДУО

Аъувзу биллаҳи минашайтонир ражийм.

Маъноси: Аллоҳдан Аллоҳнинг раҳматидан қувилган шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ тиламан.

ҲАЙВОННИ СЎЙИШЛИКДА ЕКИ ҚУРБОНЛИКДА АЙТИЛАДИГАН ДУО

Бисмаллаҳи вал-лоҳу акбар. Аллоҳумма минка ва лака. Аллоҳумма тақоббал минний.

Маъноси: Аллоҳнинг исми билан сўяман. Аллоҳ улғудир (Эй бор худоё, бу сендан дур ва сенинг учун дур). Эй бор худоё, мenden буни қабул қил.



«ПОЛВОН»

Суратчи: С. МУСАЕВ

Дераза

ЭРИНМАГАН ХАЛҚ

Япониянинг «Касио» компаниясида яратилган дунёдаги энг митти телевизор Гинеснинг рекордлар китобига киритилган бўлди. «Си-Ви-1» номига ушбу рангли телевизорнинг бўйи 9,1 эни 6,0, қалинлиги эса 2,4 сантиметр бўлиб, оғирлиги бор-йўғи 170 грамм [К. П.].

МОМОГА ТҮЙ КЕЛДИ

Сарҳадсиз ер мулкига эга бўлган Пиа Куриони хонимнинг 85 ёшида бошига яна бахт куши қўнди. Момо бир йўла хушрўй эр ва маркиза унвонига эга бўлди. 19 ёшли оқсуяк куёвтура, жаноб Фулвио Черутти ҳам ушбу никоҳдан хурсанд. Ери уни бой қилди ва омордаги мардикорликдан қутқарди.

Дарвоқе, «ёшлар» ўзларининг айтишича, муҳаббат туйғулигига турмуш қуришибди. [Р. Т.].

АМЕРИКАЛИК ЧЕВАР БЕКАЛАР

Америкада уйда тикувчилик билан шуғулланувчи хонимлар сони борган сари кўпаймоқда. Сўров натижаларига қараганда ҳозир улар 30 миллиондан кўпроқ.

Бунинг сабаби компютерлашган тикув машиналари пайдо бўлганлигидан экан. Зеро, бу машиналар чиндан ҳам мўъжиза. Тугмачисини боссангиз бас, истаган йўриғингизга юради: тикади, гул солади... Бир пайтда икки игнада 6 хилгача безак ипда тикиши мумкин. Электрон кўзи ҳаракатларингизни кузатиб туради. Кейин ўзи ҳам айни сизникидек қилиб тикаверади. Машинанинг баҳоси 500 дан 2000 долларгача.

ЕТАРЛИ МУҲЛАТ

Полшада яқинда қабул қилинган қонунга кўра ҳомила олдириш мутлақо тақиқланади. Ҳомилани яширин тарзда олган врачлар эса икки йил қамоқ жазосига маҳкум этилади. Пултопар шаввозлар шу вазиятдан ҳам фойдаланиб қолишнинг йўлини топишди: Дарҳол аёллар саёҳатни уюштирувчи фирма ташкил этишди. Фирма Урсиянинг Калининград вилоятидаги туғруқхоналардан бирига тигиз муҳлатли — тўрт кунлик саёҳатни ҳам йўлга қўйиб юборди. [Р.Т.].

Табриклаймиз!



Азиз онажонимиз ЗУЛАЙХО ЭЛМУРОДОВА, таваллуд кунингиз муборак бўлсин! Сизга соғлиқ тилаб ўғилларингиз ҚАХРАМОНЖОН, ХАЙРУЛЛАЖОН, ҒАЙБУЛЛАЖОН



НАЖМИДДИН, ўқш ва ишларингизга улкан ривож тилайман. Сенга сиҳат-саломатлик, гўзал ҳаёт доимо ҳамнафас бўлсин. Уканг НИЗОМИДДИН. Ғузур тумани, Еруғчи қишлоғи.

ТАНИҚУЛ АКА!

Туғилган кунингиз билан табриклайман. Илоё, фарзандларингизнинг камолини кўринг. Укангиз Жўра БОБОРАҲМАТ.

Азиз онажоним ДИЛОРОМ! 11-март туғилган кунингиз билан табриклайман. Баҳорий ҳаводан дилингиз ором олиб, дилларни ром этиб кўринг.

Синглингиз МАСТУРА.

Дўстим Собиржон! 27 ёшингиз муборак бўлсин. Эзгу орзуларингиз ижобатини Худодан тилаб:

Холмат КАРИМ.

ГУЛБАҲОР ОПА!

Туғилган кунингиз — 12 март билан қутлайман. Аёллик латофати-ю, бекалик назокати сизни ҳеч қачон тарк этмасин. Укангиз ЖўРАБЕК.

Оила

60 ЕШДА

Миллатим ўзбек, касбим-ўқитувчи. Эллиққалъа туманида ҳовлида тураман. 47—55 ёшлардаги ўзбек (қозоқ, қирғиз, туркман миллатига мансуб бўлса ҳам майли) аёлига уйланиш ниятидаман, аёлим икки йил бўлди вафот этган. «Оила-163»


59 ЕШДА

Самарқандданман. Тил ва

адабиётдан дарс бераман. Турмуш ўртоғим вафот этган. Нон ёпиш, тикиш, миллий таомлар тайёрлаш қўлимдан келади. Ёлғиз [55 ёшгача] меҳрибон, хушфезл аёл билан учрашишни хоҳлайман. Балки биз бир-биримизга керакдирмиз ва зора тақдир йўлимиз бирлашса. Агар менга ёққан аёл турмуш қуришга рози бўлса, умр бўйи эъзозлардим. [Фарзандларим уйли-жойли бўлиб кетишган]. «Оила-164»

38 ЕШДА

Шаҳрисабзлик, ўрта бўй, чевар хоним [6 ёшли қизчаси билан] 40—60 ёшгача бўлган болажон жанобнинг [қайси шаҳардан бўлишининг, ҳусни жамолининг аҳамияти йўқ] жуфти ҳалоли бўлмоқчи. «Оила-165».



«СЕНИ КЎРГИМ КЕЛАВЕРАДИ»

манзур бўлса, ўша ҳофизга етаман, ҳатто ундан ўзаман деган бошқа бирови чиқади. У ҳам машҳур бўлиб кетса, яна биттаси... Хуллас, шу йўсинда ўзаро мусобақа кетаверади. Менимча, ана шу рақобат водийдан кўлаб-таниқли хонандаларнинг етишиб чиқишига туртки бўлган.

— Шундай хонандаларимиз борки, бир-икки қўшиқ айтиб, машҳурлик шоҳсупасига чиққач, ён-атрофдагиларни менсимай қўйишади. Алалоқибат бошларига Алимардон Тўраевнинг қисмати тушади. Сиз ҳам ёшсиз, машҳурсиз...

— Бу фойи дунёда ҳамма нарса ўткини, барчамизнинг борар жойимиз бир. Биз бу оламга синовдан ўтиш учун келганмиз. Яратганинг имтиҳонидан қай даражада ўта олди, вақти келиб, маълум бўлади. Кибрли санъаткорлардан эса, эртани-кечми, барибир халқнинг кўнгли қолади.

— Мактабда қандай ўқигансиз? Одатда санъаткорларнинг кўпчилиги ўқишни амал-тақал битириб ё битирмай санъат оламига «шўнғиб» кетишади.

— Нокаментарликка йўйманг-у, ҳамма ҳам бирдек эмас, ука. Мактабда барча фанлардан аълога ўқиганман. Фақатгина, атематикадан «тўрт» олардим. Ўқитувчимиз Анвара опани ёқтирдим-у, фанни ёмон кўрардим. Шунинг учунми, ўзимни у ёққа ташладим, бу ёққа ташладим, барибир бу фандан «беш» ололмадим. Яқинда шоир Мухаммад Юсуфнинг шу ҳақдаги бир шеърини ўқиб қолдим. Менинг кўнглимдагини ёзганлиги учунми, айрим сатрлари ёдимда қолди:

Орзуларим — қайсар қанотларим,
Осмонларга учиб юраман.
Синглим — ойни ўпиб, ўкаларим —
Юлдузларни қучиб юраман,
Математикани ёмон кўраман.

Қаранг, бу фанни жини сўймайдиган битта мен эмас эканман!

— Бугунги ўзбек қўшиқчилигида сиз ихлос қўйган санъаткорлар ким?

— Замира опа Суюновани ҳақиқий ўзбек ҳофизиси деб биламан.

Сиддиқ Маҳмудов қўшиқларининг ҳам шинавандасиман.

— Тўйларга ўйинчи олиб борасизми?

— Ўзингиз биласиз, бизнинг водий тарафларда ўйинчиға эҳтиёж йўқ, одамлар қабул қилишмайди. Бошқа тарафлардан тўйга айтиб келишса, ўйинчини ўзинглар топинглар дейман. Ўша ёқдан ўзлари топишади. Менинг доимий ўйинчим йўқ.

— Аёллардаги қандай фазилатларни ёқтирасиз?

— Аввало сабр-тоқатни, қаноатни. Қишлоқларимизда чиройли кийимлар кийишни, қимматбаҳо тақинчоқлар тақини орзу қилиб яшаётган қанчадан-қанча аёллар, қизлар бор. «Жимининг кўз ёшлари», «Ламбада», «Марианна» деган нархи осмонда ялтир-юлтирларни уларнинг ҳам кийгиси келади. Бироқ, кўл калталиқ қилиб, кийолмаса ҳам хафа бўлишмайди. Бориға шукур қилиб, яшайверишади. Аёлларимизнинг ана шу сабр-тоқати, бардошига тўзим берсин.

— Аёлингизни ўзингиз танлаганмисиз ё ота-онангиз?

— Ўзим танлаганман. Лекин бошқаларга ўхшаб Лайли-Мажнун бўлиб юрмаганмиз. Келиннингизни танлаганимдан сўнг бир ой ичида тўйимиз бўлиб ўтган.

— Нималарни орзу қилиб яшасиз?

— Орзуларим жудаям кўп.

Қанийди, Ўзбекистон жаҳонга фақат олтини, пахтаси ёки бошқа бойликлар билангина эмас, санъати билан ҳам донг таратса.

Иброҳим Тотли, Пол Маккартни, Майкл Жексон, Гугуш сингари санъат юлдузларини бутун дунё танийди. Улар ашулаларини хоҳлаган давлатларига бориб, ёздирдишлари мумкин. Масалан, турк ҳофиз Иброҳим Тотли қўшиқларини бориб Мюнхенда ёздирар экан. Қани энди бизда ҳам шундай имкониятлар бўлса.

— Акангиз ҳам санъаткор эканлар-а!

— Мени «йўлдан урган» акам — Муроджон Иброҳимов бўлади. Оиламизда ўртанча ва кенжа ўғил санъатнинг этагидан тутди. Катта акам ўқитувчи. Бешта опам бор. Отам қирқ йил мактабда болаларга тарихдан сабоқ берганлар. Ҳозир нафақадалар. Онамнинг оламдан ўтганларига анча бўлди. У кишини худо раҳматига олган бўлсин. Қолганларга умр берсин...

Илҳом ака саволларимга жавоб беряпти-ю, тез-тез соатиға кўз ташлайди. Сездимки, қаерадир шошяпти. Сухбатимиз якунида у менга қўшиқлари муҳрланган оҳанрабо тасмасини дастхати билан совға қилди. — Эшитиб кўринг, охириги қўшиқларим, — деди хайрлашаётиб. Ўйга келиб, магнитофонга тасмини қўйишни билан ёқчилми, дилўртар овоз янгради:

Автолардан қолиб юраман,
Айролардан қолиб юраман.
Ҳаюлда олиб юраман,
Сени кўргим келаверади...

Шухратбек ДЕҲҚОН
суҳбатлашди

ҚОИДА БУЗУВЧИЛАРНИНГ ЖАЗОСИ

Қўларимни қайтариб келаяман-у, ҳаёлим чумолиларнинг «онгли» ишларида эди. Бир вақт ерга қарасам, ундан 350-400 метрлар узоқликда ҳалиги сафларни жўнасан чумолилар ўз излари бўйича кетиб боришяпти. Шоп мўйловли «бошиқ»лари олдинда. Бу ерда янада қизиқарлироқ ҳодисанинг гувоҳи бўлдим. Кайси тўдадан бўлса ҳам битта ишчи чумоли сафни бузди, йўлдан йўзи истаган тамонга кетди, издан 5-6 метр нариди каттагина дон бор экан, ўшани судраб, минг бир азоб билан изига қайтди. Чумолилар ҳар вақт иккита из бўйича ҳаракат қилишади. «Ов»га кетадиган ва «қўлжа» билан қайтиб келадиган. Не бахтсизликки, ҳалиги «қўлжа» топан чумоли қайтаётганда сафни бузиб, иккинчи йўлга ўтиб олишга ҳаракат қилди. Ўз наватига сафлашиб, бир текис келатган чумолилар ҳаракатида бузилиш рўй берди. Воқеа содир бўлган жойга тўда «бошиқ» етиб келди. Воқеа ўрранилган, ил аскарларига топириқ

берди: тезда ҳалиги «ишбилармон» чумолининг ўлжаси тортиб олинди, ўзи эса асир қилинди.

Мен бу фаройибот нима билан туғашини ўйлаб ҳамма нарсага ишонганим. Ҳодиса ривож эса янада қизиқарлироқ давом этаверди. Ҳалиги қоида бузувчи «айбдор» чумолини тўда бошлиғи ўзининг ишчи чумолиларидан уртасига қўшиб — уяга жўнатиб юборди. Дон шундоқ-қина эзининг ёнида қолди. Ҳеч ким тегмади. Уяга келсак, тинчлик. Ҳалиги «командирлар» йўқ. 2 та «соқчи» чумоли айбдорни тутиб турди, 1 таси чамамда «ахборот» бериш учун уяга кириб кетди. Орадан икки-уч дақиқа ўтиб, «соқчи» чумоли қайтиб чиқиб кетди ва учаласи айбдор чумолини уяга қараб судрай бошлади. Аммо, қоидабузар ҳам оёқ тираб туриб олди. Ким биласиз, уяга олиб киришса, уни осадими, отадими, ёхуд зиндонга соладими? Ҳарқалай, айбдор чумоли уяга киришдан роса қўрқди. Тортишга бўлаётганди, уядан 4-5 та

шоп мўйловли чумолилар чиқиб қолди. Иккитаси олдинги кўрганларимдан ҳам бошқачароқ, менимча янада улуғроқларидан бўлса керак. Уларнинг мўйловларига аҳамият бердим: оппоқ, думалоқ нимадир бор эди. Худди достордек. Суд раисини, оқсоқолми, онабоши ёхуд саркардасини, билиш қийин эди. Уларни кўргач, айбдорни уяга торт-торт қилаётган «соқчи» чумолилар ҳам тинчиди. Бир муддатли музокара бўлиб ўтди. Билдимки, айбдорнинг тақдирини ҳал қилишяпти. Бошиқлар уяга кириб кетишган. «Соқчи» чумолилар ҳужуми ижро этишга киришдилар. Қоидабузарни уядан 3-4 метрча узоқликка судраб боришди-да, учаласи «соқчи» ҳам бирдек ҳаракат қилиб, айбдорнинг оёқ-қўлларини суғуриб олишди. Кейин боши ва танасини тилка-пора қилишди. Улуғ чумолилар айбдор чумолини олий жазо — ўлжима ҳукм қилганликларини уқидим.

«Соқчи» чумолилар ҳам қилган ишларидан кўнглила-



Суратчи: Х. КАРИМОВ

ри тўлди шекилли, яна ортга қайтишди. Худди бурунгидек, 1 та «соқчи» чумоли ҳужумдан огоҳ қилиш учун уяга кириб кетди, қолган иккаласи ташқарида қолди. Орадан уч-тўрт дақиқа ўтиб, ҳалиги «соқчи» чумоли шоп мўйловлардан бири билан чиқиб келди. Шоп мўйлов «соқчи»ларни эргаштириб, ҳужум ижро этилган жойга борди, айбдор ўлдирилганига ишонч ҳосил қилди-да, уяга кириб кетди.

«Соқчи»лар эса из билан «ов»га жўнашди.

Мен эса ишбу кўз кўриб, қўлоқ эшитмаган фаройиб ҳодисадан тамоман ўзимни айқотиб қўйган эдим. Қўларим ҳам тоғ енбағирлаб сочилиб кетибди. Ҳозиргина ижро этилган ҳукм ижросидан ҳайратларга тўлиб, сурувиш орқасидан юзуриб кетдим.

Жалол ЯХШИБОВ

Ўсмирлик... Ҳадсиз қизиқишлар, сир-синаотларга тўла бу давр умр дафтерида сермазмун саҳифани ташкил этади. Ўсмирликда орттирилган феъл-атвор кўпинча келгусида ҳам кишига ҳамроҳ бўлади. Илк дўстлашув, илк севги, катталар билан илк келишмовчиликлар, хуллас камолга етаётган шахс ҳаётидаги барча баланд-паст босқичлар. Кўпчилик, айниқса қизлар, шу ёшда кундалик тутадилар. Кундалик-дил рози, унда энг яқин дўстингга айтолмаган гапларни тўкиб солиш мумкин. Баъзан ота-оналар «болам улғайган сари дағаллашиб борапти, биз билан тузукроқ муомала қилмайди» дея арзи ҳол қилишади. Бироқ, болаларини «ўтиш даври» аталмиш нозик паллада эканлигини ҳис этсалар, ҳеч бўлмаса шу кундалик саҳифалари орқали уларга бошқача нигоҳ билан қарасалар, фикримизча, бундай шикоятларга ўрин қолмайди.

22 НОЯБР

Февлим ёмонлигидан бўдас керак, синфдошларим Худойберди, Рустамлар билан деярли икки йилдан буён гаплашмайман. Қандай аҳволга тушиб қолганимни ўйласам, юрагим «тарс» ёрилиб кетгудек бўлади. Улар билан жон-жон дея ярашишга тайёрман. Лекин... ғурур йўл қўймапти. Кеча кутубхонадан «Шахс ўзини тарбияламоқда» деган китоб олдим. Унда ўз-ўзини тарбиялаш, ёмон одатлардан ҳалос бўлиш ҳақида кўпгина маслаҳатлар берилган экан. Зора уларга амал қилиб ўзимни ўзгартира олсам...

муҳаббат борми каби саволларга жавоб излайди, қийналади. Китобдан Мерседес бўлса ҳудди Дилбарга ўхшайди... Ўтган кун алгебра дарси-

да битта қоғозчага «сени севаман» деб ёздим-да, қўнғироқ бўлиб, ҳамма чиқиб кетаётганда Дилбарга бердим. Дилбар бу хатни ўқиб, нима ҳаёлларга боргани менга номатўм, лекин ўшандан бери иккимиз гаплашганимиз йўқ. Ҳозир ўйлаб кўрсам, бу ҳаракатим ғирт аҳмоқлик экан. Бекордан-бекорга уни ранжитибман.

30 МАЙ

Синфдошим Давлатали мактаб қўнғироғини «жингиллат»ганча мактаб биздан, биз мактабдан кутулганлигимиз ҳақида огоҳлантириб,

давра кезиб чиқганига ҳам роса беш кун бўляпти. Ҳозир уйдаман. Дорилфунунга, тил ва адабиёт факультетига киришга тайёрланяпман. Уйдагилар

аввал «мединститутга кирасан, акаларингдек дўхтур бўласан» деб ҳеч қўйишмади, лекин сўзимда қаттиқ туриб олганимни кўриб ноилоҳ рози

бўлишди. Тил ва адабиёт факультетига танлов катта бўларкан. Эртаю-кеч тинмай ўқияпман. Ҳозиргача эликта иншо ёздим.

15 ИЮН

Соат 7¹⁵. Яна бирор соатлардан кейин Тошкентга учамиз. Мен билан бирга дадам ҳам кетаяпти. Кеча ҳамма қариндошларимиз уйга йиғилишиб, менга оқ фотиҳа бериб, омад тилашди.

Ойим бечора нуқул йўлаганларини йўлаган, худди мен ҳарбийга кетаётгандек. Ҳали кўрасиз, ойи, ҳамма

имтиҳонларни «аъло»га топишиб, талаба бўлиб қайтаман! Шунда ҳам сиз барибир йўлагсангиз керак...

Дилбар ҳам Тошкентга кетаяти-врач бўлармиш. Ишқилиб, иккимизнинг ҳам ишчимиз ўнидан келсин, худойни бизга мададкор бўлсин!

ЎСМИР КЕЧИНМАЛАРИ

4 АВГУСТ

Мени икки муаммо жуда қийнайди. Биринчиси — бўйимнинг пастлиги, иккинчиси — аниқ фанларга қизиқмаслигим. Иккинчи муаммони-ку, ҳал қилса бўлар, биринчисини-чи? Бир нмр кўчамиздаги Нормурод амакидек дилипут бўлиб қолаверамани? Ё баскетбол-тўғарагига қатнашсам-ки-кан?

19 АВГУСТ

Бугун касб танлаш ҳақида жиддий ўйлаб кўрдим. Дадам бешинчи синфда ўқиётганларидаёқ актёр бўлишни орзу қилиб, роллар ўйнаган эканлар. Мен бўлсам ҳалигача бирор тўхтамаи келганим йўқ. Бирорта кино кўрсам ё китоб ўқисам, ўшанинг қаҳрамонига ўхшашга ҳаракат қилавераман. Ҳозирча эса ё ҳарбий, ё дипломат, ё врач бўлмоқчиман. Кей бирини танласам экан?

14 СЕНТЯБР

Ўқиб бошланганига икки ҳафтача бўлди. Бунгача касалхонага тутишса ҳам улгурдим. Кўришганим оғриб қолди, уйдан олиб кетишди. Операция қилишди дарров. Уйдагилар деярли ҳар кун келишди, қариндош-уруғлар ҳам. Лекин синфдошлардан ҳеч ким келмади...

Ўқини яхши эмас. Қачон қараса, сўкишгани-сўкишган. Бугун ҳам алгебра дарсида ўқитувчи опа билан ирилиб қолдим. Дарс ўтаётганида

гаплашиб ўтирганмишман. Тавба, қирқ беш минут соқовга ўхшаб, индамай ўтиравериш керакми? Ҳозир ўзимни китоб билан овутиб ўтирибман. «Сариқ девни миниб» деган китоб, Тўхтабоевми, Худойбердиевми, деган одам ёзган. Роса қизиқ, баъзи жойлари шунақа кулгилики! Ўша китобдаги сеҳрли қалпоқча кўлигга тушиб қолганда борми... Биринчи навбатда алгебра дарсини умуман йўқотган бўлардим. Тўғри-да, икк, игрек деган бошогриқларни кимга кераги бор?

5 ОКТЯБР

Бугун туғилган куним — 16 ёшга тўлдим. Уйдагилар исим ёзишдан торт, опам билан поччам хитой сониги, синфдошларим эса бир қучоқ гул билан табриклашди. Шундай бўлса-да, кўнглим ғаш. Дилбар билан яна аразлашиб қолдик. Унинг ўзи бунга сабабчи бўлди. Кутубхонада кўпчиликнинг олдига «Комрон, сиз ҳам китоб ўқисизми» деб изза қилди. Жаҳлим чиқиб кетди. «Кутубхонада бекорчиликдан кирувдим, биздақа калтафаҳмларнинг китобига тиши ўтармиди» дедим-да, шарт бурилиб чиқиб кетдим. Шундан бери Дилбар билан гаплашмайман. Унга аччиқма-аччиқ уйда нуқул дадамнинг қалин-қалин китобларини ўқияпман.

17 МАРТ

Ниҳоят, душанбадан Дилбар мактабга чиқа бошлади. Муомаламиз ҳозирча яхши. У ҳам менга яхши муносабатда, мен ҳам. Хуллас, о' кей. Кеча тарих дарсида муаллимимиз Худойберди билан «уришганлар»нинг ҳаммасини у билан ярашишга мажбур этди. Жўмладан, мени ҳам. Жуда яхши бўлди, чунки биз икки йилдан бери гаплашмасдик.

Кўчадан қараёт ҳақида китоб топиб келиб, машқ қилаётвдим, вақтинча тўхтатишга мажбур бўлдим. Сойда чўмилганимдан кейин негадир қулогим қаттиқ оғриб қолди, ҳозир дўхтурга қатнаяпман. Жияним Нўмон ҳам кечки пайт «Спартак»ка бориб, қайсибир «устоз»дан таълим оляпти. Хўллас, ҳамма қаратист.

Мактабдаги ишлар, кўз тегмасин, яхши. Кўп фанлардан, масалан, физика, кимё, тарихдан яхши баҳолар оляпман. Лекин ҳали ҳам алгебра чатоқ. Буни тузатиш керак.

22 АПРЕЛ


Икки кундан бери кўнглим ғаш. Ўртоқларимнинг гаплари, қилиқлари қўлимга бачкана кўрилади. Менимча, бу графнинг таъсири бўлса керак. (Бир ҳафтадан бери «Граф Монте-Кристо» деган болишдай китобни ўқияпман). Граф ҳам ҳаёт, бахт нима,

Танлов

«ББ» МУСИҚА БИРИНЧИЛИГИ

Ғарб мусиқа дунёсида «Хит-парад» деган тўшунча бор. Уни тахминан «мусиқа биринчилиги» ёки «оммабоп қўшиқлар танлови» деб таржима қилсак бўлади. Бундай танловларда ҳафта, ой, йилнинг энг машҳур қўшиқлари, хонанда, гуруҳ, бастакорлари аниқланади. Газетимиз ҳам «Балоғат бекати» саҳифасида ўзининг «Хит-парад»ини ўтказишга қарор қилди. Қуйидаги оммабоп қўшиқлар рўйхати овоз ёзиш студияларидан олинган маълумотлар асосида тузилган. Кейинги танловларимизда (уларни доимий ўтказиб бориш ниятидамиз) сиз-муштарийлар ҳам қатнашшингиз мумкин. Бунинг учун бизга мактуб йўллаб, сизнингча, ҳозир, айнан ҳозир энг машҳур бўлган қўшиқ ва унинг муаллифини ёзиб юборсангиз кифоя.

1. Охунжон Мадалиев. «Сени ҳеч ким севолмайди менингдек»
2. Мухриддин Холиқов. «Аламли дунёда аламли тулим»
3. Ғиёс Бойтоев. «Мавлуда қиз»
4. Кумуш Раззоқова. «Ёлғир ёғди майда-майдалаб...»
5. Кумуш Раззоқова. «Мен сени ҳеч кимга бермайман»
6. «Ялла» ансамбли ва Абдулла Қўрбонов. «Абдулла уйланмоқчи»
7. Жалолиддин Усмонов. «Сирдарё»
8. «Болалар» гуруҳи. «Гули»
9. «Нигоҳ» гуруҳи. «Тўйлар муборак»
10. Илҳом Иброҳимов. «Сени кўргим келаверади»



Тахририятдан: «Биза дийдор керак, дунё керак-мас» дейди турк шоири Юнус Эмро. Бизга ҳам дийдор керак. Бу сафар балоғат бекатида турган ўсмирлар билан дийдорлашини ният қилдик. Ниятимиз нечоғлиқ мустажоб бўлди — бунга сизларнинг мактубларингиз мезон бўлади. «ББ» саҳифасида қандай мақолалар ўқишни, кимлар билан учрашишни истайсиз? Шу ҳақда бизга батафсил ёзиб юборинг.

Бекатдаги гаплар

Таниқли актёр ва режиссёр Нозим Тўлахўжаев ўзи ташкил этган «Монофилм» студиясида ислом тарихи, дунёнинг яралиши, пайгамбарлар ҳақида ҳикоя қилувчи қирқ қисмдан иборат «Ислом» филминини суратга олмақда. Н. Тўлахўжаевнинг таъкидлашича, мультипликация жанридаги бу филмга хорижда ҳам қизиқиш катта — Амиқо, Англия, Фарангистон, Италия, Туркия давлатлари унга ҳозирдиноқ маблағ ўтказмоқдалар. Филмнинг дастлабки қисмларини кўзда намоиш этиш мўлжалланган.

Газетимизнинг ўтган сонларидан бирида Фарғонада чоп этилган «Оҳун» китобидан парча билан танишган эдингиз. Кун-кеча таҳририятимизга Наманганда чиқарилган «Мухриддин» номли китобни совға қилишди. Мухбиримиз совгани Мухриддин Холиқова топшираётганда, хонанда «ўзим ҳақимда китоб чиқиши етти ухлаб тушимга кирмагани» дея хитоб қилди.

1990 йилнинг январидида «Байт» гуруҳининг раҳбари Руслан Ярипов мусиқага қизиқиб, қўшиқ айтиб юрган тўрт-беш ўсмирни йиғиб, «Эсингдами қиш кунлари» номли илк магнитофон албომини ёздирган эди. Албомдан ўрин олган қўшиқлар тезда ёшлар назарига тушди. Шундан бери ўтган уч йил мобайнида «Болалар» гуруҳи яна тўртта магнитофон албომини ёздирди. Яқинда уларнинг энг сара қўшиқлари жамланган мусиқий диск ҳам соғувага чиқди. Диск «Шарқ таронаси» бирлашмаси томонидан чиқарилган, баҳоси — 72 рубл.

Камтар одамлар кўп гапиршидан қочадилар; улар кўп эшитмоқни истайдилар ва ёқтирадилар. Эшитмоқ — кишини бейтади; кўп гапирмоқ — саёзлатади. Кўп гапирган — кўп янглишади. Кўп еган — кўп йиқилади. Тан касалининг асоси — кўп емакдир, қалб касалининг сабаби — кўп демакдир. Кўп демак — сўзга марғурилик, кўп емоқ — нафсга бандликдир. Одам учун бу сифатлар кераксиз ва барчаси худпарастликка оиддир.

Мазлумга яхшилик қилсанг — золимдан омонда бўласан. Агар қуллардан зарар кўрмайин десанг, қучсизларга фойда етказ. Ақли бор одам жанжаллашишдан қочади; дўстлашиш учун келишувчилик эшигини очади. Арининг ғувиллашида найза санчиши хавфи бор; асаларнинг ғовурида болга муяссар бўлиш имкони бор.

Шоҳ ҳам лутф-марҳаматли, ҳам сиёсат эгаси (қаттиққўлроқ) бўлмоғи керак. Аммо ҳар бири ўз ўрнида яхши. Шоҳга дўст билан душманни фарқ қилмоқ учун кўп мулоҳаза ва фаросат керак. Ерни ағёрдан ажратмоқ учун кўп тажриба ва зийраклик керак. Зероки, шоҳнинг сиёсатидан ҳамма хавфда ва марҳаматидан барча умидда бўлади. Шоҳ — халққа ўзини камтарин бир одам сифатида кўрсатишга зарурдир. Дўст ва душманини ҳақиқий башараси кўрунгунча, номуносиб ишлар содир бўлиб қолиши мумкин.

Тил ширинлиги — кўнглига ёқимлидир; мулоимлиги эса — фойдали. Чучук тил аччиққа айланса кўпчиликка зарари тегади; қандан май тайёрланса ҳаром бўлади. Ширин сўз соф кўнглилар учун асал каби тотлидир; болалар учун мулоим табиилати одам — ҳалво фуруш каби сеvimлидир.

У ердан бу ерга гап ташувчилар элнинг гуноҳини ўз бўйига олувчи.

лардир. Чақимчилик ҳатто чин гап бўлса ҳам кўнглисиздир, ёлгон бўлса янада нафратлидир. Сўз етказувчининг хоҳ каттаси, хоҳ кичиги — дўзах ўтининг тутантуруғи бил.

Баъзи разил ва тубан кишилар аҳмоқона ҳазил-мutoиба қиладилар: қулдирмоқ учун тоvon қитиқлайдилар. Енгилтак аёл кўрганини кўрсатиб берганидек, баъзи аҳлоқсиз қулдириш учун бировларни тақлид қиладилар.

Ҳазил агар одамнинг шахсиятига тегса — одобсизликдир, бундан яхшилар ор қиладилар.

Ҳазил-мutoиба бир оз кўнглини хушламоқ учун, шодлик ва хурсандчилик учун бўлса ёқимлидир. Агар ҳазилда қўпол сўзлар бўлмаса, ундан

АЛИШЕР НАВОЙИ

ТАНБИҲЛАР

ҳеч ким ҳижолат, озор чекмайди. Беозор ҳазил зарифликдир, аммо ундан ўтса ақлсизликдир.

Хато қилмоқ — одамга хос хусусиятдир. Хатосини англаб, огоҳ торган саодат эгасидир. Ўз хатосини эътироф этган одам бу хатодан халос бўла олади. Кимки, хатосини бўйнига олмай, беҳуда далил келтириб алжирай берса, гуноҳи янада ортади. Хато қилган ўзини қанчалик лоф уриб оқласа, хатоси шунчалик рўйроқ кўринади. Унинг устига кибрланиб тортишув олиб борса, халқ орасида баттарроқ расво бўлади.

Ҳар бир давлатманд тирикчилигида хайр-эхсон қилиб одамларни хурсанд қилмаган экан, ўлгандан кейин уни ҳеч ким дуо билан ёд этмайди. Эҳсон — тирикликда яхши ном қолдирмоқдир...

Ақлли одамлар подшоҳларнинг марҳаматига ишонч билдирмайдилар: донишманд кишилар тентакларнинг гап-сўзига ишониши ўринли демайдилар. Зеро, у бири нима қилса — иштиёри ўзидадир; тентак эса беихтиёрдир; аммо ақлли одам иккала-сидан ҳам эҳтиёт бўлиши яхшидир.

Кариялар муҳтожликка тушиб қолса, касб-ҳунар қила олмаса ва тилашига тили бормаса, уларга раҳм-шафқат қилишга ишониш ва қўлингдан келганча эҳсон қил. Лекин, камбағал йиғит кетмон чопи олса, ўтин ташимоқни уйдalasа, унга эҳсон қилмоқ — исроф қилмоқдир.

ўзини йиқувчи бало селобидир. Ҳатта ранж-қулфатдирки, у билан ҳаётинг нақди — жонинг чиқар. Ахир, баданнинг қутчасидан қатра-қатра дурларни тўкиши билан, у қутини гавҳардан бўшатасан, жисм ишишасига у қултумлар учун айла очасан. Бу билан нафсу ҳаво қурбони бўласан. У қултум фасодга ўхшаган бир моддадирки, уни танингга яқинлатма: у қатра ҳаёт нақдидирки, ундан воз кечма. Май ичиши билан шайтоннинг истагини юзага чиқазган бўласан... Май ичмоқ — жигар қонин ичмоқдир; май ичиш билан заҳар ютма; жонинг нақдидасини сочиш билан наслинг туҳумини қурутма!

Беҳаё — дўстликка ярамас; нопок — сирдошликка ярамас...

Эрнинг қилиғи — сутнинг илиғи. Ясанчоқ эркак — мард эмас; қапалак — парвона бўлмас. Дўст жабридан — инграма; душман зулмидан — зорланма.

Ҳар кимни ҳам сирингга маҳрам дема, бу сифат олам аҳлида кўп дема. Сирингни асрай ўзингга малолдир, бошқа бировнинг уни асрамоғи маҳолдир. Ўз ҳазинангни ўзинг очсанг ва махфий дурларингни ҳаммаёққа сочсанг — териб олан киши уни сепмай нима қилади ва «асра!» деб койиғини қасрга боради? Ўзинг ўз сирингни асрай олмаганингни биласан, яна бошқа бироз уни фош қилса, айбдор ҳам қиласан... Ўз айбондан кўзингни олма, бировларнинг айбиги назар солма!

«МАҲБУБ-УЛ-ҚУЛҮБ» ДАН

АХМАД ЯССАВИЙ

ҲИКМАТ

Ориф ошшқ жон мулкида алам тортса,
Ун саккиз минг қамуг олам гул-гул бўлур.
Кўнгли қуши шавқ қанотин тўқиб учса,
Жумла вуҷуд ёдин сайраб, булбул бўлур.

Муҳаббатни майдониға ўзин солса,
Маърифатни майдониға ўзин урса,
Сирр шаробин ичиб, ошшқ руҳи қонса,
Муваддатни гулзорида хуш гул бўлур.

Эранлари ҳақ ёдидин гофил бўлмас,
«Рижолун ло талҳиҳим» дер Холиқун нос,
Эран йўлин тутқан ҳаргиз йўлда қолмас,
Ул ҳазратда сир-асрори мақбул бўлур.

«Аласт» хамрин кимга берса ўшал соқий,
Било мудом ичиб асрар мангу боқий,
Танин, жонин куйдуруб шавқ иҳроқи,
Идин куёр, ёқилур ҳам қул бўлур.

Зоҳирини оти бирлан беаганлар,
Ботинларин оти бирла тузаганлар
Шавқ ўтини ич кўнглига кезаганлар,
Мосуво бирлан қачон машғул бўлур.

Тариқатдур бу йўл отин билса дарвиш,
Маърифатни матоъидин олса дарвиш,
Ўзга йўллар боди ҳаво сонса дарвиш,
Ҳақиқатни майдонида эр ул бўлур.

Қоттигганиб қул Хожа Аҳмад, йўлга киргил,
Қулни кўрсанг, қули бўлуб маъно сўргил,
Е илоҳим, рўзи қилса, маъно олгил,
Маъно сўраб, маъно олган чин қул бўлур.



Суратчи: ВЕЛИЧКИН

Раҳим ака Файзуллаев Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасининг «Нодир нашрлар ва қўлёзмалар» бўлимида 1968 йилдан буён ишлаб келади.

— Касбимнинг менга ёққан томони шунки, араб олифбосида эски ўзбек тилини яхши ўрганиб олдим ва қатағонга учраган кўплаб шоир ва ёзувчиларнинг ижодидан баҳраманд бўлдим,— дейди у киши.

Раҳим аканинг хайрли ишларидан бири, Чўлпон, Элбек, Фитрат, А. Қодирийнинг баъзи бир мавжуд асарларини кутубхонанинг асосий фондидан, одамлардан сотиб олиш билан тўпламоқда.

Раҳим ака йўқувчиларга қўлайлик туғдириб, «Туркистон вилоятининг газети» (1870—1916) га кўрсаткич тузиб чиқди. Шу кунларда «Иштирокион» газети учун тузмоқда. «Қизил тарпоқ», «Туркистон» ва бошқа араб имлосидаги газеталарга ҳам кўрсаткич тузиб берсам деган ниҳтид.

Мархабо АХМЕДОВА

ҚАМОҚҚА ТУШГАН МИЛЛИОНЕРЛАР

Миллиардер қамалиши мумкинми? Мумкин—қонунага ҳилоф иш қилса. Дунёга ном таратган Чак Берри, Софи Лорен, Жеймс Браун, Стейси Кич, Жерри Ли Льюис, Пит Роуз, Аик Тернерлар ана шу қисматни бошидан кечирган инсонлар сирасидан.

Хўш, умри саройлар, қасрлару виллаларда роҳат-фароғатда ўтган, энг сўнгги намуна либослар жамланган дўконларни эсга солувчи жавонларга эга бундай одамларнинг у ерда, қамоқхоналарда умри қандай кечади? Бу ердаги қатъий кун тартибига улар қандай чидай олишар экан? Биламиз, албатта, уларнинг қамоқхонаси билан бизнинг қамоқхонамиз ўртасидаги фарқ осмон билан ерча. Мабодо АҚШ қамоқхона ҳаётини Урсиядаги эркинликдаги ҳаёт билан таққосласак, ўртадаги нисбатда унча фарқ бўлмайди.

— Қамоқхона — ҳаётимнинг энг яхши даври бўлди, — деб таъкидлайди Калифорнияда икки йил ўтириб чиққан 60 ёшли Айн Тернер. — Ҳаётимда қамоқхонадагина одамлардай яшадим.

**ЛЕОНА
ХЕЛМЕЛИ
ЭНДИ
«ЎВУЗЛИК
МАЛИКАСИ»
ЭМАС**

Ушбу 15113—054 рақамли маҳбуса солиқ тўлашдан бўйин товланган учун 4 йил муҳлат олди. Хонимни бугунги кунда Америкадаги энг бадавлат маҳбуса десак бўлади, унинг бойлиги миллиард-миллиард доллар ҳисобланади. Сарой бинолар маликаси, қасрлар соҳибаси бўлган икки ўринли қамоқхона хонасида умргузаронлик қил-

моқда. Тўғри, унинг деразаси жаннатий манзарали Кендлвуд кўлига қаратиб қурилганлигини айтиб ўтмасак ноинсофлик бўлади. Леона хоним эрталаб кўрпа-тўшагини ўзи йиғиштириб қўяди, эл қатори ҳамма билан бирга қамоқхона ошхонасида овқатланади. Яқинда 73 ёшга тулшига қарамай у қамоқхонада ҳар кун ишлайди, ишламаса туролмайди. Эҳтимол шундай қилса вақти тез ўтар — буниси бизга қоронғу. У қамоқхона устaxonасида ўзи ҳам кийиб юрадиган маҳбуслар кийими тикади.

Хонимнинг суд иши бутун Американи жунбушга келтириб, оламга ёйилди: миллиардларга эга бўла туриб, қанақасига арзимас бир неча миллионни солиққа тўлашдан қизганиш мумкин? Ушбу жараён америкаликлар онгиде қонун олдида барча баробар деган тушунчани яна ҳам мустаҳкамлади.

Леона ўз империясини қамоқхонадан туриб бошқаришига тўғри келмоқда. Чунки унинг 83 ёшар суйган чоли—эри Гарри мия огригидан ётиб қолди, кейин уни операция қилишди. Қамоқхона ҳокимияти шу баҳонага унга бир марта 12 соатга ружхатнома беришди. У ана шу 12 соат мобайнида касалхонада Гаррининг бошида ўтирди.

**МАЙК
ТАЙСОН ҲАМ
ҚАМОҚХОНАГА
«ҚАДАМ РАНЖИДА»
ҚИЛДИ**

Машҳур боксчи ва даъвогар хонимнинг машамалли суришмасида Америка Майк томонида бўлди. Шубҳаланганлар Тайсон қамоқда ўтирган, унинг «қурбони» эса

«юриши» маълум бўлгандан кейин унга ён босишди. «Йигит бечорани беқорга ўтқизишди»,— дейишмоқда энди деярли ҳамма.

Хуллас, у 6 йил муддат олиб 922335 рақамли маҳбусага айланди. 10 синф маълумотидагина эга бўлган Тайсон тутқинликда маълумотини оширишга жазм қилди. Қамоқхонада ишни «хайскул» сабоғига қабул қилишларини сўрашдан бошлади. Бироқ маҳбуслардан ушбу сабоққа 40 киши навбатга ёзилиб қўйган эди. Ва умуман олганда, уларнинг «навбатда туриш» учун вақтлари бемалол ортиб-ошиб етарди. Тайсон бўлса шошилиб ўзини навбатсиз қабул қилишларини сўради. Қамоқхона маъмурияти бу илтимосни инobatга олганда, маҳбуслар нодемократик ҳаракатдан норози бўлишди ва Майкнинг ўқишни ташлашига тўғри келди. Сал олдинроқ у турмага кишанланмасдан, фақат кўлига занжир солиб олиб келингани билан «тақдирдош»ларининг норозилигига сабабчи бўлган эди.

Майк яқинда роса чувтушди — уни қамоқхона ҳовлисида айланишга олиб чиққан назоратчини «имиллама» дегани учун сўкиб юборди. Ёрдамга етиб келган қўриқчиларни ҳам сийлади ва улар билан тез орада «ҳисобкитоб» қилишга ваъда берди. Бу унга 10 кунлик якка қамоққа, 6 йилга 15 кун муҳлат қўшилиши ҳамда қамоқхона дўконидан савдо қилишни таъқиқланишига тушди. Майк учун ҳаммасидан ҳам охиригиси оғир жазо бўлди. Чунки у қамоқхона ошхонасини тан олмасди. Дўкондан сотиб оладиган ўзи хуш кўрадиган консерва гўшт, вена колбасаси, пишлок, тибюклар билан тамадди қиларди.

**УОЛЛ-СТРИТ
ҚИРОЛИ —
УЧ МАҲБУС
БИЛАН
ҲАМХОНА**

46 ёшли биржавик, мулти-миллионер Майк Милкен қамоққа тушмасидан олдинги йили 550 миллион доллар топан эди, қамоқнинг биринчи йили эса 16126054 рақамли бу маҳбуснинг йиллик даромади 832 долларга тенг бўлди. У эса ҳеч қандай ишдан бўйин товланмаган эди: полни ҳам, ҳожатхонани ҳам ювди, ахлат ташувчи бўлиб ишлади, темир буюмлар зангини ойнадай ялтиратиб артишдан ҳам эринмади. Бугунги кунда Майк Милкеннинг энг кўп харажати телефонга кетмоқда. У ҳар кун мақтаб дарсликларининг фотонусхасини олдиға қўйиб олиб, ун фарзанди билан узоқ гаплашади — шу тариқа уларга ўн вази-фаларини ечишда ёрдамлашади.

Унинг бу фазилатларини илган маъмурият унга қора ишни ўқитувчилик билан алмаштиришни таклиф қилди. Майк энди бу ердаги ягона муаллим. У маҳбусларга мактаб имтиҳонларига тайёрланишга ёрдам беради. Энди ойлик ҳам кўпроқ бўлади. Миллиардлари эса Майкнинг озодликка чиқишини кутяпти. Тижорат сирини сотганлиги учун ўн йил олган Майк одоби ва намунали хизмати тўғрисида муддатидан олдин — келаси йили озодликка чиқиш бахтига муяссар бўлади.

**«Комсомолская правда»дан
таржима
(1993 й. 5-МАРТ).**

ЕЛСИННИНГ ҲАЙДОВЧИСИ

Россия президенти Елсиннинг уч ҳайдовчиси бор. Улардан бири — Игор Василев. Игор Игоревич Президент хавфсизлигини таъминлаш хизматининг подполковниги. Олийҳокни тутатган, давлат хавфсизлиги органига ишга тақлиф қилинганди, кейинчалик эса биринчи даражали ҳукумат бошлигининг автомобил ҳайдовчилигига йўлланма олди. У ўзининг 53 ёшидан 25 йиллини махсус кишилар автомашинасида ўтказди. Бу йилларда Василевнинг ўз ибораси билан айтганда, «мухлақ» ҳаммага хизмат қилишга тўғри келди. Брежнев, Долгих, Алиев, президентлар, масъул шахслар, собиқ СССРга ташриф буюрган чет эл партиялари котиблариға ҳайдовчилик қилди. Франция, Италия, Канада, Бразилия, Ҳиндистон, Япония бошлиқларини автомашинасида олиб юрди. АҚШ Президенти Масковда ҳам ҳай-

довчиси ўз машинасида олиб юргани каби, у ҳам Амрикода Б. Елсинни «ЗИЛ» автомашинасида кутиб олди.

Василев Борис Елсин билан охиригача ишлашга аҳд қилган. Ҳозиргача Президент ўз ҳайдовчисидан миннатдор. Маошини ҳам ўз вақтида тўлашларига дэвват қилади. Автомашинига нимаки лозим

бўлса, Василевнинг ўзи жой-жойига қўяди. Унинг бирор қисмини алмаштиришга ҳожат йўқ — устки қисми жуда пишиқ. Машинанинг ён атрофи, деразалари ҳатто кучли снарядга ҳам дош бера олади. «ЗИЛ»нинг оғирлиги 6 тонна, эшикларининг ҳар бири 300 килограммдан.

Автомашинада ҳордиқ чи-

қариш учун имкониятлар етарли. Юмшоқ ўриндик, ҳаво тозаллагич, магнитола, алоқа аппарати... Умуман, Президентга нима керак бўлса барчаси мўҳайб. Машинадан туриб ер юзининг истаган нуқтаси билан алоқа ўрнатиш мумкин.

Аваллари Елсинга «Волга», «РАФ» автомобиллари хизмат кўрсатарди. Бирор махсус сафарга ёки учрашувларга борса ўзга машинада борарди. Эндиликда эса машинасини ўзи билан бирга самолётларда олиб юради. Оиласи учун хизматдаги «ЗИЛ»дан ҳеч қачон фойдаланмайди. Елсиннинг рафиқасини шахсий ҳайдовчи фақат махсус учрашув ёки сафар чоғида олиб юради, холос.

Василевнинг ҳурматли саналган «йўловчилари» унга қимматбаҳо совғалар ва дасхатларини қолдиришган. Қизиқ, Борис Елсин садоқатли ҳайдовчисига нима совға қилар экан? «Собеседник»дан

(1993 й. 15-ФЕВРАЛ)



Бош муҳаррир:
Абдуҳошим
ИРИСБОЙ

ТАХРИР
ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ
Жуманазар
БЕКНАЗАР
Дадахон
ЎҚУБОВ
Муҳаббат
ИБОДОВА
Тўлқин ҲАЙИТ
Юсуф ЗИЁД
(Бош муҳаррир
ўринбосари)
Ботир ЭРНАЗАР
(масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:

Бахтиёр
ЭГАМБЕРДИЕВ
Қувондиқ
БЕРДИЕРОВ
Рўзимат
САФОВ
Абсалом
УСАНОВ
Урол
ЎЗБЕК
Асқар
АЛЛАБЕРДИЕВ
Абдумуталлиб
РИЗОКУЛОВ

Тахририят
келган хатларга
ёзма жавоб
қайтармайди.
Шунингдек,
фуқаролар
билан
ташқиқотлар
ўртасида
воситачилик
ҳам қилмайди.

Газетамиздан
олинган
маълумотлар
«Оила ва
жамият»дан
деб кўрсатилиши
шарт.

Газетамиз
ҳомийлари —
Тошкентдаги
СЭВИЖ
тижорат жамияти,
Ғаллаорол
туманидаги
«Ғаллаорол»,
Сирдарё
«Оқ олтин»
дон маҳсулотлари
корхонаси

МАНЗИЛИМИЗ:

700029,
Намойишлар
хизбони,
1-бино.
Телефон:
39-43-95
Обуна
индекси 64654

Буюртма 141
Ўзбекистон
республикаси
Президенти
Аппарати Ишлар
бошқармаси
хузуридаги «Шарқ»
нашриёт-матбаа
концерни.
Корхона манзили:
«Буюк Турон»
кўчаси, 41-уй.
46298 НУСХАДА
ЧОП ЭТИЛДИ
1 2 3 4 5 6



Мурод ака билан келишган пайтда киностудияга йўл олдим. Дарвозага яқинлашувдим ҳамки, унинг чиқиб келаётганига кўзим тушди. Отасининг қизи билан, йўғ-э, «Отасининг қизи» спектаклидаги талабгор кўёвлардан бири — Жими билан аланималарни гаплашиб келяпти. Йўғларини кесиб чиқа бошладим. Карагим гап жиддий. Кўчқор ака; йўғ-э,

тирангизга тикланг-да, эътиборингизни мафия подполковник Саматовнинг итини ўлдириб, уйига осиб кетганини (жим юрсанг юрдинг, бўлмаса сени ҳам шундай осамиз маъносиди) қарагин. Шунда Саматовнинг хотини (у рус аёли эди) «Юр бизнинг юртга, у ерда бежавотир яшаймиз, сенга ҳам бирор иш топилиб қолар» дейди. Саматов хотинининг, боласининг тинчини ўйлаб ўйга чўмсада, оғир аҳволда «ташлаб кетолмайман... бу ер менинг ВАТАНИМ», дейди. У пайтда СССР империяси парчаланмаган даврлар эди. Ватин аталмиш туйғу ўзидан хабар бераётган чоғда ўз халқи истиқлолини ўйлаб юрган ҳар бир фидойи учун бу сўзлар беқиёс руҳий мадад, таскин эди.

— Шу сахнани олиш жараёнидаги ички ҳиссиётларингизни баён қила оласизми?

— ... Биласизми, Ватан, Она, Муҳаббат... буларнинг ҳаммаси илоҳий тушунчалар. Уларни тушунтириб бўлмайди. Уни ҳис қилиш керак. Кўплар «севги нима?» деб савол беришади. Севгини сўз билан тушунтириб бўлмайди. Уни ҳис қилиш, ҳис қила билиш керак.

— Шу филмга тааллуқли яна бир савол. Кино икки хил тўғайди. Яъни, ойнан жаҳонда бошқача, кинотеатрлардагисда бошқача. Биринча подполковник Саматовнинг қўлига кишан солишади. Бошқасида кишанлашмайди. Нега шундай?

— Бу ҳақда ўйлашга ҳам қўрқаман. Сиз санаётган сиймоларнинг ҳаммаси фариштали одамлар... Уларни яратиш учун ўзлари каби маънавиятга эга бўлиши керак актёр.

Таганкада Михаил Булгаковнинг «Уста ва Маргарита»сини қўймоқчи бўлганларида, бир билган киши келиб «Булгаковни кино қилиб бўлмайди», деб айтибди. Қўлоқ солишмабди, тўғрироғи ишонишмабди. Натжида биров ўлибди, кейин... ҳар сафар бир бало бўларканда. Яна кимдир Темурни ўйнайман деб касал бўлиб қолибди. Энди келишсаю, Мурод (масалан, Темурни) шу ролни сен ўйнамасанг бўлмайди, деб туриб олишса. Унда ролни ижро этишга ҲАРАКАТ қиламан... Лекин барибир бу ҳақда ўйлаш кўрқинчли...

— Жиддий филмларда қатнашиш билан бирга комедияда ҳам бир қанча роллар яратдингиз. Қайси жанрда рол ўйнашга ўзингизда кўпроқ эҳтиёж сезасиз?

— Санъат — ҳаёт акси. Ижодкор ҳаётга муносабат билдиради. Баъзи воқеалар одамни қийнайди, йиғлатади. Кулгули томонлари бир олам.

Ҳаёт бу трагик комедия. Ҳаётда қандай одамлар мавжуд бўлса, қанча одамларни кўрсам, уларнинг образларини яратгим келади. Қисқаси, ўзимни у ёки бу жанр артисти деб ажратмайман.

— Ҳозир нима ишлар билан шугулланаясиз?

— «Сафар» деб аталмиш янги киностудия туздим. Энди кино олиш ниятидаман.

— Режиссёрликка ўтиб кетаясиз. Масалан, мен сизнинг ижронгиздаги янги киноларни кўрсам дейман!

— Агар таклиф қиладиган роллари мен қилаётган ишлардан яхши бўлса, арзиса, албатта рол ижро этаман.

— Қайси режиссёрларни яхши кўрасиз?

— З. Ройзмани. У актёрлар билан дўстона муомалада бўлгани учун кўпчилик яхши кўради. Режиссёрнинг актёрларга муносабатидан унинг кимлигини билиб олса бўлади.

— Мурод ака асли қаерликсиз?

— Эски Шайхонтоҳурданман...

— Шаҳарликмисиз? Кўчқорни ўйнашингиз учун кишлоқ ҳаётини роса ўрганган бўлсангиз керак-а!

— Қаёқда. Шундай ҳам умрим кишлоқларда ўтади. У ернинг ҳаёти ёд бўлиб кетган. Поездда қайсидир вилоятга бораётган эдик. Икки кишлоқ кишиси билан уларнинг ҳаёти ҳақида суҳбатлашиб кетдик. 50 ларга кирган отахон: «Кишлоқ ҳақида биз тушунмайдиган жиҳатларини ҳам

бордим — олишмади, кейин кинога олиб келдим.

— Рол сиз учун ёзилганмиди?

— Йўқ-йўқ, аввал бошда Исмамет Эргашевга Фарғона театридаги актёрини ҳам таклиф қилганман.

— Сир бўлмаса, бир ролингизга қанча тўлашади?

— Бир суратга олиш куни учун 20 минг тўлашади.

Жими зерикибди чоғи ёки Мурод аканинг вақтини яна қизгандими, мени саволга тугди. «Ўзингизга қанча тўлашади шу суҳбатингиз учун?», «Емонмас», дедим. «Мурод акагами?» «Тўлашмайди. «Чет элда тўлашаркан-ку!» «Биздаям шундай замонлар келади». Мурод ака «қўяверинг, ҳазиллашяпти» деганларидан мен ҳам вақтини қизганиб яна саволларимни ёғдирдим.

— Студия туздим дедингиз, режарлар қандай?

— Маҳмуд Тўйчиев сценарийси асосида «Паримомо» филми суратга олинди. Филм ишонч, ихлос, инсоннинг руҳий кечинмалари ҳақида. Филмнинг марказида Паримомо деган табиб аёл бўлади.

— Санъаткорлар оиласидан чиққан бўлсангиз керак-а!

— Ишчи оиласиданман. Дадам провизор бўлиб ишлайдилар. Онам уй бекаси.

— Қаерда ўқигансиз?

— Театралнийда.

— Рафиқангиз-чи!

— Педагог. Бир ўғил, икки қизимиз бор.

— Болалигингизда нимага қизиқансиз?

— Актёр бўлишни ўйламаган бўлсам-да, санъаткор бўлишни орзу қилардим. Муסיқа, рассомликка қизиқардим.

— Қандай унвонларингиз бор!

Мурод ака «Йўқ», деяр-демас, Жими жавоб берди:

— Давлат рўйхатидан ўтмаган халқ артисти!

Кулишдик. Дарҳақиқат халқдан сўрасангиз айтади шу гапларни. Мурод ака дилаш инсон экан. Жимиганим ҳавасим келди. Шундай актёрнинг этасидан ўшлабди. Унинг сўзларини эшитар, ҳаракатлариға рази солар экансиз, завқингиз келади.

Шундай артист билан бир жойда ўтирганингиздан хурсанд бўлиб кетасиз-да, қувонганингиздан «чарс-чурс!» дегворингиз келади. Кўчқор тили билан айтганда, «Бор бўлинг-э Мурод ака, чараманг-э, э-э, «ЧАРС-ЧУРС-Э!»

Халим САЙИИД
«Оила ва жамият»нинг махсус муҳбири

СУРАТЛАР МАУЛЛИФИНИКИ

МУРОД РАЖАБОВ:

«ТЕМИР ХОТИН» МЕНГА ЁҚҚАНДИ

Мурод ака Жимиға нималардир леппти, адашмасам ўратяпти. Бео-доблик бўлса-да гапларини бўлдим.

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом... — кўришдик. «Кетаяпман, вақт зиқ» деди Мурод ака. «Суратга туширай ҳеч бўлмаса» — дея тўхтатдим-да айлантириб суратга ола бошладим. Жими: «У ёқда зўр расмлар бор» — деди, афтидан у Мурод аканинг вақтини қизгана бошлади. «Йўқ, ўзим туширишим керак!» дея айлантириб туширавардим. Қачон учрашсини келишиб, ниҳонга қайтдим. Белгиланган куни Мурод аканинг ичхонасига кирсам... ҳалиям Жими билан гаплашиб ўтирибди.

Мурод ака саволларимга жавоб бера бошлади. Гоҳида жиддий, гоҳида маҳзун. Қизиқ гапларни, воқеаларни гапирганда ичагингиз узилгудек бўлиб қўласиз. Лекин ўзининг қиёфаси қўлмайди. Кейинроқ билиб қоласиз: сизни қўлдирётган маҳал унинг кўнгли куларкан. Санъатни ички имкониятларини сўзлаётганда, нигоҳларингизда тушунмаётганингизни сезиб қолса, ўрнидан туриб, рол бажариб сизга кўрсатиб беради... Ўша суҳбатнинг бир қисми қуйидагилар.

— Мурод ака, янги рол ижро этаясиз деб эшитдик!

— Режиссёр З. Ройзман бошчилигида филм ишланиб бўлди ҳисоб. У ролни янги деб ҳам бўлмайди. Негаки, у «Ойнинг қоронғу томонида» филмининг давомиди. Унга яна беш қисм қўшилди. Ҳозир овоз берилляпти.

Бу филмининг аввалги қисмлари, жумладан Ўзбекистондаги мафиялар ҳақида ҳам ҳикоя қиларди. Янгиси нима ҳақда, воқеалар қаерда бўлиб ўтади?

— Қолган беш қисми собиқ СССР сиёсати, ички ишлари ҳақида. Ўзбекистон билан боғлиқ персонаж мутлақо йўқ. Воқеа Шарқий Каспий худудда бўлиб ўтади. Унда милиция, мафия, жиноят дунёсига боғлиқ турли миллатлардаги образлар аралашган.

Азиз ўқувчимиз бу филмни яхши эсласа керак. Айниқса, қалбни ларзага соладиган бир сахнаси бор. Хо-

— Режиссёрлар ойнан жаҳондагисини давом эттирмай деган ниятда Саматовни кишанлашмаган бўлса керак.

— Биринчи ижро этган ролингиз!

— Учқун Назаровнинг «Алангали соҳил» фильмидаги Санжар рол. 1974 йилда суратга олинганди. Филмга устозим У. Назаров таклиф қилганлар.

— Қаҳрамонларингиз кўпайиб кетди. Сиз учун энг эркаси қайси бири?

— Шу биринчиси бўлса керак.

— Адамасам Ҳамза театрида ҳам ишлагансиз. Нега у ердан кетдингиз?

— Ҳамзада икки йил ишладим. Кино сабабли кетганман. Кинода 3-4 йиллик ишлар йиғилиб қолганди.

— Мурод ака, кўпгина санъаткорлар каби, боболаримиз, масалан, Амур Темур, Алишер Навоий, Машраб каби сиймоларнинг бирортасини экранга олиб ҳиссам деган орзунигиз борми?

— Бу ҳақда ўйлашга ҳам қўрқаман. Сиз санаётган сиймоларнинг ҳаммаси фариштали одамлар... Уларни яратиш учун ўзлари каби маънавиятга эга бўлиши керак актёр.

Таганкада Михаил Булгаковнинг «Уста ва Маргарита»сини қўймоқчи бўлганларида, бир билган киши келиб «Булгаковни кино қилиб бўлмайди», деб айтибди. Қўлоқ солишмабди, тўғрироғи ишонишмабди. Натжида биров ўлибди, кейин... ҳар сафар бир бало бўларканда. Яна кимдир Темурни ўйнайман деб касал бўлиб қолибди. Энди келишсаю, Мурод (масалан, Темурни) шу ролни сен ўйнамасанг бўлмайди, деб туриб олишса. Унда ролни ижро этишга ҲАРАКАТ қиламан... Лекин барибир бу ҳақда ўйлаш кўрқинчли...

— Жиддий филмларда қатнашиш билан бирга комедияда ҳам бир қанча роллар яратдингиз. Қайси жанрда рол ўйнашга ўзингизда кўпроқ эҳтиёж сезасиз?

— Санъат — ҳаёт акси. Ижодкор ҳаётга муносабат билдиради. Баъзи воқеалар одамни қийнайди, йиғлатади. Кулгули томонлари бир олам.

гапираясиз. Кишлоқни қаердан биласиз, деди. Одамлар актёрларни «шаҳарда юради, зўр ҳаётдан бошқа нарсани билмайди» деб ўйлашади-да.

Мурод ака ҳақида гап борса, албатта Кўчқор («Темир хотин» филми) димга тушаваради. Кўчқорнинг «елосипед қайдашим, муомаласими, мастлигим, раҳимим, ҳаммасида Мурод аканинг қаҳрамонига бўлган ажиб меҳри билиниб туради. Уни томоша қиларкансиз, бу меҳр сизга ҳам кўчади. Бехитиёр ўша воқеликка сингирсиз. Ҳар ҳолда бу филм Мурод аканинг ўзи учун ҳам эсдалик бўлиб қолса керак. Айниқса, ўзбек киносининг юлдузи Мурод Ражабов Ўзбекистон халқ артисти Фани Абзамовни велосипедининг олдиға минаитириб олиб, кишлоқнинг ўртасидаги кўчада «катайса» қилдириб юрган чоғлари...

— Мурод ака, «Темир хотин»нинг кўлбазмасини ўзингиз олиб анча жойларга борган экансиз!

— Аввало, Шароф Бошбековнинг бу асари мукаммаллиги билан менга жуда ёққанди. Ҳамза театрига олиб

